

СОҒЛОМ ҒОЯ – МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАЯНЧИ

**Рўзиқулов Ф.Р. - Навоий вилоят ХТХҚТМОИ ректори,
психология фанлари номзоди, доцент**

**Сафаров Д.- Навоий вилоят ХТХҚТМОИ психология фани
ўқитувчиси**

Дунёнинг таниқли сиёсий арбобларидан бири Махатма Ганди шундай ёзган эди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам ҳоҳламайман”. Бу фалсафий сўзларни бугунги ахборот хуружлари ва ёд ғояларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган кадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шакллари ва таълим-тарбия тизимига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Саноати ва юқори технологиялари ривожланаётган жамиятда одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳитини яхшиланиши тўкин ҳаётга эришишга бўлган шахсий интилиши уларнинг асл кадриятларга, жумладан, оила ва никоҳга, ёшлар тарбиясига бўлган муносабатларида кескин инқирозни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда бу ҳолат гедонистик психологиянинг асоси деб баҳоланади, унинг оқибати жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётганлигини очиқ эътироф этади. Гедонизмнинг маъноси, шахс ва унинг хулқ-атвори мотивларида фақат нималардандир лаззатланиш, қониқиш олиш ва ўзидаги ички руҳий изтироблардан ҳоли бўлишга интилиш устивор бўлади. Аслида инсоннинг тўқ ва фаровон ҳаётга интилиши, яхши яшашни хоҳлагани айб эмас, лекин бундай тўкинчилик инсонийлик қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас. Инсониятни ташвиш ва хавотирга солган нарсалар шуки, бундай онг ва шуурдаги ўзгаришлар баъзи бир европа халқларининг энг зарур ва муҳим кадриятларига нисбатан салбий муносабатларда ифодаланади. Масалан, Европада туғилаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз туғилаётганлиги, туғилишнинг кескин

камайиб кетганлигини, умуман аёллар ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истамаётганлиги, ижтимоий яшаш тарзи яхши бўла туриб фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга сарфланадиган харажатлардан қочаётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Бундай салбий ғоялар ёшларимизнинг айримларида кузатилиши жуда ачинарли албатта ва бундай иллатларни олдини олиш учун ҳар бир шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун ёшларда мустақил фикр бўлиши лозим. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов “Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, сер-қирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали-хануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади. Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч—эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.” деб таъкидлайдилар

Шундай экан миллий ғоя мамлакатимизда истиқомат қилаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак ёшларимизнинг мақсад-муддаолари, истиқболда тинч ва фаровон яшашига кафолат берувчи ғоявий куч бўлиб, у миллатни миллат, халқни халқ этиб бирлаштирувчи кучли омилдан биридир. Бугунги кунда миллий ғоя, ва мафкура тарғиботи билан кенг жамоатчилик шуғулланмоқда, айниқса, халқ таълим тизимида бир қатор илмий манбалар, дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнларида қўлланилиши ва ёшларни ўз Ватанига содиқ, мард, фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлишга ундамоқда. Юқоридаги фикрларимиз мисолида ёшларимизга эзгу ғояларни тарғибот ташвиқот қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш яхши самара бериш мумкин:

– маънавий-маърифий тарғибот орқали ҳамма оилада, маҳаллада, кенг жамоатчиликда ахборот тармоқлари, жамоат ташкилотлари орқали узатиши тарғибот ва ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир, агарда тўғри тарғиб қилинса, ёшларни бузғунчи ғоялардан асрайди, ўз қарашларини ўзгартиради;

– ижтимоий сўровлар орқали ёшларни фикрини ўрганиб бориш, улар билдирган фикр-мулоҳазалари асосида мафкуравий тарғиботни олиб бориш мумкин. Бунга асосан қуйидаги учта омилга аҳамият бериш зарур. Биринчи омил-сўровда иштирок этаётганларни мазкур сўровдан ижтимоий манфаатдорлигини, иккинчи омил баҳс-мунозарага сабаб бўладиган вазият, учинчи омил-иштирок этаётганлар мазкур фикрга нисбатан аниқ қарашлари бўлиши керак;

– оммавий ахборот воситаси орқали ёшлар фикрига тез ва кучли таъсир эта олиш. Чунки ҳар бир оилада оммавий ахборот воситалари хабарларидан фойдаланилади ва инсонларнинг маълумот олиш манбаи бўлган бу восита орқали ёшларимизга миллий ғояларни сингдириш қулайроқдир;

– бадиий адабиёт орқали ҳам ёшларимизга сабр-қаноат, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат каби фазилатларни қалбларга сингдириш яхши самара беради деб уйлаймиз.

Sog'lom avlod uchun jurnal 12-son 2014- yil dekabr